**ОЛДИ–СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 15**

"27" Январь 2022 йил                                                                                     Самарканд ш.

"Самарканд ПАБ" кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи М.Л.Сайфиев бир томон **Инвестициялар ва ташки савдо бошкармаси** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1"Таъминотчи" ўзига тегишли бўлган товар (махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан "Буюртмачи"га мулк килиб топшириш, "Буюртмачи" эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Сотиб олинадиган товар номи | Ўлчов бирлиги | Хажми (Сони) | Нархи (Суммаси) | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Марка | дона | 100 | 3 800 | 380 000 |
| 2 | Конверт | дона | 150 | 350 | 52 500 |
| Жами | | | 250 | | 432 500 |

**ЖАМИ СУММА:** **Турт юз уттиз икки минг беш юз сум**

1.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов микдори 30 % ни ташкил килади
1.3. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

-

2.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда "Буюртмачи" га ўз вактида топшириш.

2.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

2.1.3. "Таъминотчи" тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.1.-бандига мувофик сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

2.1.4. "Таъминотчи" Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

2.2."Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

2.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида "Таъминотчи"ни хабардор қилади.

2.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш

## 3. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

3.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

3.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошка холларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Товарни топшириш муддатини бузганликучун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:

4.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун "Таъминотчи" хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.

4.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар кийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Товар ҳақини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун "Буюртмачи" ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

4.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар бахосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

4.6. Етишмовчиликларни тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

4.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказилб берилган товар махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланади.

**5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.**

5.1. Мазкур шартнома 2022 йил "31" декабргача амалда булади.

5.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

5.3 Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. қонунчилик хужжатлрида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

5.4 Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан маскур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тулик тугалланган такдирда тухтатилади.

**6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.**

6.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги қонуни хамда бошка конун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

6.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида"ги конунга ва Фукаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

6.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал килинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида хал қилинади.

**7. ФОРС – МАЖОР.**

7.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулодда муайян шароитда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг карорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошка табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар булмайди.

7.2. Мазкур шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар

Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тугрисида»ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

**8. БОШКА ШАРТЛАР.**

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

8.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

8.3.Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган булиб, шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик Бош бошкармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

| **"Таъминотчи"** | **"Буюртмачи"** |
|---|---|
| Номи: **Самарқанд ПАБ** | SAMARQAND VILOYATI INVESTITSIYALAR VA TASHQI SAVDO BOSHQARMASI |
| Манзил: Самарканд ш. Почта кучаси 5-уй | H/R:10002186018401704118008800 1 |
| Телефон: 233-18-65 | STIR:305 425 186; IFUT:84112 |
| Банк:АТ"Алока"банк | Samarqand viloyat g'aznachilik boshqarmasi |
| Хисоб ракам: 20210000800155266295 | G'azna H/R:23 402 000 300 100 001 010 |
| МФО: 00401 | STIR:201 122 919; MFO:00014 |
| СТИР (ИНН): 200833833 | Markaziy bank XXKM Toshkent shahar Bosh boshqarmasi |
| ОКОНХ: | |
| **Рахбар: Д.М.Сайфиев** | юрисконсульт: |